



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 224 (13.037)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 6 ноябрь куни Оқсаройда Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллер ҳамда Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорациясининг вице-президенти Димитрис Цицирагосни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Жаҳон банки гуруҳи билан ҳамкорликни юксак қадрлашни таъкидлади.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунинг натижасида умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд бўлган 28 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳалар электр энергетикаси, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизациялаш, сув таъминоти, ишлаб чиқариш, транспорт ва иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантириш каби йўналишларни қамраб олган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришда Жаҳон банкининг улуши 2,6 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги шериклик муносабатларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Унинг доирасида Жаҳон банки 300 миллион доллардан ортиқ миқдордаги узоқ мuddатли имтиёзли кредит билан 4 лойиҳани амалга оширишни қўллаб-қувватлади.

Мамлакатимизда Халқаро молия корпорациясининг 135 миллион доллар миқдоридagi инвестицияси иштирокида хусусий секторни ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди.

Сўхбат давомида Жаҳон банки гуруҳи вакиллари Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгариш ва диверсификациялаш бўйича жорий йилда қабул қилинган стратегик дастурларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди. Бу дастурларда иқтисодий ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, sanoatни янада модернизация ва диверсификация қилиш, хусусий мулкчилик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини қайта кўриб чиқиш кўзда тутилган.

Меҳмонлар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгариш жараёнида фаол иштирок этишдан манфаатдор эканини таъкидлади. Шунингдек, асосий соҳалар бўйича қабул қилинган дастурлар ва қўшма инвестициявий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилишини қўллаб-қувватлашни билдирди.

Хозир Жаҳон банки 2016-2020 йилларга мўлжалланган шериклик стратегиясини тайёрлашни якунламоқда. Унинг доирасида қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган 30 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бу янги лойиҳалар электр энергетикаси, нефть-газ sanoati, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот-коммуникация технологиялари, коммунал инфратузилма ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Халқаро молия корпорацияси билан нефть-кимё, кимё sanoati, муқobil энергия манбалари ва молия соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқишмоқда.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг устувор соҳалари юзасидан фикр алмашилди, шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалалари муҳкама қилинди.

(ЎЗА)

СЎЗ — ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Давлатимиз раҳбари фармойишига мувофиқ 5-6 ноябрь кунлари мамлакатимизда ўтказилган Халқаро инвестициявий форумда чет эл компания ва концернлари, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг раҳбар ва вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этди. ЎЗА мухбирлари анжуман қатнашчиларининг фикрлари билан қизиқди.

Ли Хван СОП, Корея Республикаси sanoati, савдо ва табиий ресурслар вазирининг биринчи ўринбосари:

— Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат. Ўзбекистон иқтисодиёти Президент Ислон Каримов раҳнамолигида изчил ва барқарор ривожланмоқда. Жаҳонда хануз давом этаётган иқтисодий инқирозга қарамай мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот ўсиши сўнгги йилларда мунтазам саккиз фоиздан юқори бўлаётгани ҳам бунга яққол тасдиқлайди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда,

айниқса, савдо-иқтисодий жабҳада изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон — Корея Республикасининг минтақадаги энг йirik савдо шеригидир.

Жанубий корейлик қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда эркин ва муваффақиятли бизнес юритмоқда, бу ерда амалга оширилаётган йirik ва истиқболли лойиҳаларда фаол қатнашмоқда. Ўзбекистонга сармоя кириштиш имкониятлари жуда юқори, энг асосийси, Ўзбекистон ишончли мамлакат. Зотан, ўзаро ҳурмат ва ишонч ҳамкорлигини ривожлантиришнинг муҳим асоси ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)



Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан Тошкентда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтди.

Форумда дунёнинг 33 давлати фирма ва компаниялари, инвестиция фондлари ва банклар, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки ва бошқа етакчи халқаро иқтисодий ҳамда молия институтларининг 560 вакили, олимлар, экспертлар иштирок этди.

Халқаро инвестициявий форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азиев сўзга чиқди.

Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан иқтисодиётни ислох қилиш ва бозор механизмларини ривожлантириш бозор муносабатларининг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида мулкчилик шакллариини ўзгариштириш, хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилгани таъкидланди. Мамлакатимизда давлат объектларининг хусусийлаштирилиши иқтисодиётда давлат монополиясини бартараф қилиш ва янги мулкдорлар синфини шакллантириш имконини берди. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуни хусусийлаштириш жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантиришда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонунга мувофиқ, давлат мулкни хусусий мулкдорларга беришнинг янги механизмлари ҳаётга татбиқ этилди ва бу амалдаги қонун қондаларини янада аниқлаштирадиган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишни тақозо этди. Айни пайтда саксондан ортиқ қонуности ҳужжатидаги хусусийлаштириш тартиб-таомилларини тартибга соладиган нормалар иқтисодиётда нодавлат сектор улушини кўпайтириш, барча тоифадаги бўлажак инвесторларнинг хусусийлаштириш жараёнидан тенг фойдаланишини таъминлаш, битимларнинг очиқ-ошкоралиги ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган хусусийлаштиришга доир муайян дастурлар алоҳида диққатга сазовордир. Ушбу дастурлар ёрдамида давлат активлари инвестиция кириштириш, юқори қўшимча қийматга эга замонавий экологик ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини ташкил қилиш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш шарти билан инвесторларга тўғридан-тўғри берилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар самарасида 31 мингдан ортиқ объект маҳаллий ва чет эл компанияларига берилди. Бу, ўз навбатида, қисқа мuddат ичида нафақат етакчи тармоқларни технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётда энергия самарадорлигини таъминлаш, унинг рақобатбардорлиги ва самарадорлигини ошириш, балки экспорт салоҳиятини юксалтириш имконини берди. Айни пайтда ташқи бозорга хомашё ўрнига юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Осиё тараққиёт банки бош директори Хуан Миранда, Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер, Корея Республикаси sanoati, савдо ва табиий ресурслар вазирининг биринчи ўринбосари Ли Хван Соп, Халқаро молия корпорацияси вице-президенти Димитрис Цицирагос, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Питер Буриан ва бошқалар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида эришган ютуқларини юксак баҳолади ва мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг сўнгги ўн бир йил давомида 8 фоиздан ортиқ даражада сакланиб келаётган юқори ўсиш суръатларини, sanoati ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланаётгани ва халқимиз фаровонлиги янада юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлади.



Тадбир иштирокчиларига мамлакатимизнинг иқтисодий, инвестициявий салоҳияти, шунингдек, чет эллик сармоядорлар учун яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди.

Жорий йилда мамлакатимизда қўлланилаётган хусусийлаштириш амалиётининг замонавий стратегиясини ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Президент Ислон Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш энг муҳим устувор вазифа эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимиз тараққиётининг истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айна мана шу вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Шу сабабдан биз хусусий мулк муносабатлари борасидаги қарашларимизни мутлақо ўзгариштириш масаласини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Шу асосда мустаҳкам ҳуқуқий базани хусусий мулк манфаатларига мослаштиришимиз, мулк ҳуқуқининг қучли юридик норма ва кафолатлари тизимини шакллантиришимиз, хусусий мулкдорларнинг кенг қатламини яратишимиз керак.

Шундан келиб чиқиб, давлат активларини янада хусусийлаштириш, корпоратив бошқарув тизимидagi принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгариштириш, замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш жорий йилда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим ва устувор йўналишига айланади. Хусусан, 2015 йил 15 майда Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, шу йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада қулайитиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар кириштиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий

мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида реал иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида давлат иштирокини тубдан қайта қилиш, 1247 корхона ва объектнинг хусусий мулкка ўтказиш кўзда тутилган. Хусусан, 68 йirik корхонадаги давлат улуши, жумладан, акциялар назорат пакети хорижий инвесторларга тақлиф қилинмоқда. 343 корхонанинг давлат улуши чет эл ва маҳаллий инвесторлар учун савдога қўйилмоқда. 324 объект очиқ савдоларда хорижий ва маҳаллий инвесторларга сотилади. Бундан ташқари, 512 давлат объекти хорижий ва маҳаллий инвесторларга инвестицион мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан "ноль" қийматда тақлиф этилмоқда. Мисол учун, "Фаргонаазот" акциядорлик жамияти, "Самарқандкимё" акциядорлик жамияти, "Навоийазот" акциядорлик жамияти, "Жиззахпластмасса" акциядорлик жамияти ва бошқа стратегик корхоналарда умумий улушнинг 51 фоизини давлат бошқарувида сақлаб қолган ҳолда, қолган қисmini ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологияни янгилаш шарти билан сотиш тақлиф этилмоқда.

Қайта тиклаш ва негизда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан самарасиз фойдаланилаётган давлат мулки объектлари "ноль" қийматда хусусий мулкка берилди.

Мазкур дастур ижросини таъминлаш доирасида ушбу жараёнларга хорижий инвесторларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Компаниямиз 2009 йилда "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси билан Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган автомобиллар ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича "JV MAN Auto — Uzbekistan" қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида шартнома имзолади, — дейди "MAN Truck & Bus AG" компаниясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий раҳбари Ян Колмайер (Германия). — Ўтган йиллар давомида мазкур завод ишлаб чиқариш ҳажминини ошириб, жорий йилда беш минггачи юк автомобиллини конвейердан чиқарди. Бугунги кунда 40 турдан ортиқ юк ташувчи ва махсус техника ишлаб чиқарилмоқда ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади. Ўзбекистон томонидан берилаётган кенг қўламли имкониятлардан унумли фойдаланиб, яқинда шаҳар ичида қатнаш учун мўлжалланган Lion русумли автобуснинг тажриба намунасини ишлаб чиқардик. Айни пайтда мазкур техника Тошкентда синовдан ўтказилмоқда. Шу билан бирга, яқин вақт ичида янги русумдаги сайёҳлик автобусини ҳам тақдим этамиз.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ёшларни миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойиллари асосида тарбиялашнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги "Боёвут савдо ҳамкор" масъулияти чекланган жамиятида янги лойиҳа амалга оширилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тури кўпайди. Бу ерда макарон маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар ўрнатилиб, тўртта қўшимча иш ўрни яратилди.

● Фарғонада Жанубий корейлик офтальмолог шифокорлар иштирокида хайрия акцияси бўлиб ўтди. Акция доирасида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси, хусусан, ёши улуг инсонлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, жаррохлик амалиёти орқали соғломлаштирилди.

● Андижонда ОИБ инфекцияси тарқалиши олдини олишда оиланинг роли ва ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Бўстонлиқ туманида 1998-2001 йилларда туғилган қизлар ўртасида стол теннис бўйича "Қамолот" маликаси турнирининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● NASA 2014 йил 28 октябрь куни Уоллс оролидаги космодромдан учурилиш чоғида портлаб кетган Antares элтувчи ракетасининг суратларини эълон қилди. Ходиса стартдан олти сония ўтиб рўй берган эди. Суратларда Antaresнинг парвози ва кучли портлаши турли бурчаклардан кўрсатилган.

● Gmail мобилъ дастури мактубларга мобилъ қурилмалардан тезкор жавоб бериш учун учта қисқа вариант тақлиф этувчи Smart Reply хизматида эга бўлди. Сунъий

интеллектуал аввал олинган мактублар ва жавоблар таҳлили асосида битта кнопка ёрдамида танлаш мумкин бўлган вариантларни тақлиф этади. Жавоблар аниқ бўлиши учун сунъий интеллектни маълум мuddат мобайнида ўргатишга тўғри келади. Шу билан бирга, фойдаланувчиларнинг ўзлари ҳам мазкур жараёнга қўшилиши мумкин.

● Жанубий Кореядаги энг йirik алоқа оператори — SK Telecom компанияси дунёда биринчи бўлиб 5G стандартдаги тармоқни ишга туширмоқчи. Айни пайтда Жанубий Кореядаги фойдаланувчилар 4G тармоқига эга ва ушбу кўрсаткич бўйича мамлакат дунёда етакчилик қилмоқда. SK Telecom Samsung, Nokia, Intel ва Ericsson билан ҳамкорликда бешинчи авлод тармоқлари соҳасидаги ишлаб чиқишлар учун мўлжалланган марказини очди.



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда мамлакатимизда қўлай инвестиция муҳити шакллантирилган, энг илгор халқаро тажрибалар асосида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларининг мустақам қонунчилик базаси, шунингдек, чет эл капитали иштирокида ташкил этилган корхоналар учун имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Чунинчи, Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳақми 300 минг доллардан 3 миллион долларгача бўлган корхоналар 3 йил, 3 миллиондан 10 миллион долларгача бўлган корхоналар 5 йил, 10 миллион доллардан ортиқ бўлган корхоналар 7 йил муддатга юридик шахслар фойдасидан олинган солиқ, мулк солиғи ва бошқа қатор мажбурий тўловлардан озод қилинади.

Ўрнатилган тартибга кўра, қиймати 50 миллион доллардан ортиқ ва хорижий инвестор улуши камиди 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши давлат бюджети ва бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, хорижий инвестиция иштирокидаги корхона ташкил этиш мақсадида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансидаги паст ликвидли объектлар "ноль" қийматда сотилмоқда. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция улуши 33 фоиздан кам бўлмаган корхоналарга улар рўйхатга олинган санадан бошлаб икки йил давомида олиб қилинган мулк ва товарлар учун божхона преференциялари тақдим этилади.

– "General Motors" корпорацияси "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон бозорида салмоқли ютуқларга эришмоқда, – дейди "GM Uzbekistan Operation" компанияси президенти ва бошқарувчи директори Хектор Вилларреал (АҚШ). – Айни пайтда "GM Uzbekistan" акциядорлик жамиятининг Андижон ва Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида заводлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 10 русумдаги автомобиль ишлаб чиқаришмоқда. Бу йил уларнинг сафига янги "Lobo" автомобили ҳам қўшилди. Ўз маҳсулотларимиз турини кенгайтиришни давом эттирамиз. Негатки, Ўзбекистонда самарали фаолият юритиш учун барча зарур шароит яратилган.

Корхона ва ишлаб чиқариш объектиларининг самарали фаолият юритиши корпоратив бошқарув тизими билан бевоқифа боғлиқ. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимининг ривожланиши давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш орқали



хусусийлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Ўтган йиллар мобайнида 31 мингдан ортиқ давлат корхонаси хусусийлаштирилди ва бугун мамлакатимизда қарийб 1,2 миллион акциядор бор.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш мамлакатимизда айни пайтда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишидир. Бугун юртимизда акциядорлик жамиятларининг самарали фаолият юритиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий база ва инфратузилма ташкил этилиб, самарали фаолият

ривожлантириш учун истиқболли асос яратётгани қайд этилган.

Қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида мамлакатимиз 2014 йилда Жаҳон банкининг бизнесни юритиш шартларини ифода этадиган Doing Business рейтингда "Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш" кўрсаткичи бўйича 18 поғона кўтарилди. Бугун юртимизда 90 дан ортиқ мамлакат капитали иштирокида ташкил этилган 5 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Тўлиқ чет эл



мой тўловлардан озод қилиш) ва бошқа тадбирлар назарда тутилган.

– Кейинги ўн йилда Ўзбекистонга тез-тез келиб тураман ва мамлакатингизда хорижий инвесторларга давлат томонидан кенг имкониятлар яратилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман, – дейди "Lotte Chemical" компанияси президенти Хо Су Йонг (Жанубий Корея). – Жумладан, яқинда компаниямиз иштирокида Сурғил кони негизда Ўстпорт газ-химё мажмуаси қурилиши якунланди. Қиймати қарийб 4 миллиард долларни ташкил қилган ушбу завод табиий газни қайта ишлаб, турли қалинликдаги полиэтилен, полипропилен ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Форумнинг шўъба мажлисларида хусусийлаштирилган муайян объектлар тақдирлари бўлиб ўтди. Ёқилги-энергетика мажмуаси, машинасозлик, Ахборот-коммуникация технологиялари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, халқаро туризм соҳаларининг инвестициявий имкониятлари, чет эл капиталини хусусийлаштириш жараёни ва истиқболли инвестициявий лойиҳаларга жалб этиш учун ишбилармонлик муҳити ва инвестиция иқлимини такомиллаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Форумнинг хорижий иштирокчилари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор экани ва юртимизда қўлай инвестиция муҳити яратилганини қайд этди. Бу чет эллик шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўшимча рағбат берадиган муҳим омилдир.

Форум якунида журналистлар учун брифинг бўлиб ўтди. Унда халқаро анжуман доирасида умумий қиймати 12,4 миллиард долларлик 100 дан ортиқ битим ва меморандум имзолангани эълон қилинди. Шунингдек, бошқа янги инвестициявий лойиҳалар бўйича музокара-лар давом этаётгани ҳам қайд этилди.

Муҳтасар айтганда, Халқаро инвестициявий форум хорижий инвесторларга ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, изчил ривожланиётган ва истиқболли Ўзбекистон бозорига бизнес юритишнинг янги қирраларини очиб имконини берди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири
Аъло Абдуллаев,
Ёлқин Шамсидинов
олган суратлар

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ КЕНГАЙМОҚДА

юртимизда. Жумладан, кодификация қилинган ҳуқуқларга асосланган меъёрий база Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Қимматли қорозлар бозори тўғрисида"ги қонунлари, 60 дан ортиқ бошқа ҳужжатларни ўз ичига олади. Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчилик ҳуқуқий муносабатларнинг атрофлича ва ошқора белгиланиши билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда 1994 йилдан буён фонд биржаси, 1999 йилдан марказий депозитарий ва юздан ортиқ инвестиция институтлари (брокерлар, маслаҳатчилар, бошқарувчи компаниялар ва бошқалар) фаолият юритиб келмоқда. Иқтисодий-ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) стандартларига мувофиқ, корпоратив бошқарувнинг ривожланиш даражасини ўрнатиб бўйича Европа тиклиши ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотда ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган бошқа мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги қонунчилиги билан таққослаганда Ўзбекистон қонунчилиги корпоратив бошқарув амалиётини

капитали иштирокида ташкил қилинган ва хорижий корпоратив бошқарув усулларида асосланган қатор корхоналар ҳам мавжуд.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мантикий давоми бўлди. Фармонда давлат улушига эга акциядорлик жамиятларининг ташкилий тузилмаси ва раҳбарлари таркибини янгиллаш, 2016-2018 йилларда акциядорлик жамиятлари ҳисоботларини Халқаро аудит стандартлари ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича нашр этишга ўтиш, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлар олий ўқув юрти-лари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларида раҳбарларни хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида саралашни кенг жорий қилиш, хорижий менежерларни жалб этишда қўшимча солиқ имтиёзлари (даромад солиғи ва ижти-

лаётган илмий тадқиқотлар самаралари Ўзбекистон иқтисодиётининг кўплаб тармоқ ва соҳаларида кенг жорий этилаётганини қайд қилиш мумкин. Ўзбекистонлик мутахассислар билан қўш энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича фаол ҳамкорлик қилишга келишди.

Марк КЛОЧКО, "Polska" компанияси бош директори (Франция):

– Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривожига мамлакат танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини исботлади. Бу натижалар иқтисодий ўсиш суръати, макроеқтисодий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий янгиллаш ва диверсификация қилиш, изчил жалб қилинаётган хорижий сармоя микдоридан ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Дунёда ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда юксак иқтисодий кўрсаткичлар барқарор сақлаб қолингани ва ялпи ички маҳсулот ўсиши сўнгги йилларда 8 фоиздан ошаётгани эътиборга моликдир. Бундай иқтисодий барқарорликка ва юксалишга эришиш катта меҳнат ва ўта масъулиятли ёндашувни талаб этади.

Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида қўли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодиётнинг барча соҳалари, жумладан, транспорт ва транспорт коммуникациялари тизимини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда ва улар юксак самаралар бермоқда. Мамлакатингизда хорижий ишбилармонлар учун яратилган кенг шароит ва имтиёзлар гўят аҳамиятлидир. Биз Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан темир йўл машинасозлиги соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдик. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ўзаро англашув меморандумини имзоладик. Унга кўра, мамлакатингизда ҳамкорликда электр двигателлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очиб яратилмоқда.

Мартин СПАТХ, "ЕСН" компанияси бош маслаҳатчиси (Нидерландия):

– Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун жуда кенг қўламлиқлар яратилган. Турли имтиёз ва имкониятлар ҳамда қонун билан кафолатланган преференциялар нидерландиялик бизнесменларнинг ҳам ҳамкорликка қизиқишини кучайтирмоқда.

Компаниямиз энергетика соҳасида тадқиқотлар олиб боришга ихтисослашган. Ўзбекистон мўқобил энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингизда иқлим қуёш энергиясидан фойдаланишда жуда кўл келади. Ўзбекистонда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши қуёш энергиясидан фойдаланишда улкан имкониятдир.

Ўзбекистонда мўқобил энергетика соҳасида фаолият юритаётган институтларда олиб борилаётган тадқиқотлар ва илмий-техник ютуқлар билан танишдик. Тошкентдаги Халқаро қуёш энергияси институтига бўлдик. Илгор технологиялар билан жиҳозланган институтда ўткази-

лаётган илмий тадқиқотлар самаралари Ўзбекистон иқтисодиётининг кўплаб тармоқ ва соҳаларида кенг жорий этилаётганини қайд қилиш мумкин. Ўзбекистонлик мутахассислар билан қўш энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича фаол ҳамкорлик қилишга келишди.

Марк КЛОЧКО, "Polska" компанияси бош директори:

– Ўзбекистон – Польшанинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан. Икки томонлама ҳамкорлик алоқаларимиз кўплаб соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий йўналишларда ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатингиз билан бошқа кўплаб йўналишлар қатори қишлоқ хўжалиги, энергетика, фармацевтика соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболли порлок эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Польша компаниялари Ўзбекистонда йирик сармоявий ва хусусийлаштиришга оид лойиҳаларни амалга оширишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Бугунги кунда хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи муҳим соҳага айланди. Айни пайтда у иқтисодиётнинг изчил ривожлантирувчи, жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини кафолатловчи омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда тадбиркорлиқни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, соҳа вакиллари манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу омилларнинг барчаси Ўзбекистонда хусусий секторни юксак суръатларда ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мухаммад Ал-МАНДИЛ, "ManCapita" компанияси раҳбари (Баҳрайн):

– Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, соҳага давлат аралашувини камайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш каби ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт жадал тараққиёт этмоқда, мамлакатингизнинг халқаро нуфузи юксалмоқда. Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ва мустаҳкам экани муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилаётди.

Компаниямиз инвестиция соҳасида иш юритади. Қатор мамлакатларда, жумладан, Тошкентда ҳам ўз ваколатхонамизга эгамиз. Ўзбекистон билан мўқобил энергетика, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳамда саноат соҳасида яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз. Форум доирасида мамлакатингизнинг сармоявий салоҳияти ҳақида янада кенг маълумотга эга бўлганимиздан мамнунмиз. Биз Ўзбекистонда истиқболли соҳаларга сармоя киритишни мақсад қилганмиз. Улкан иқтисодий имкониятлар юрти бўлган Ўзбекистонда ўз бизнесимизни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Ноира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

ЭЛГА ШИФО БАҒИШЛАШ САОДАТИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида аҳолига юксак технологиялар воситасида бирламчи тиббий-профилактика, шошилинчи, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини муҳофазалашнинг муҳим омили бўлаётди.

"Соғлом она – соғлом бола" миллий дастури ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлашнинг миллий тақвими яратилган ва замон талабидан келиб чиқиб янги-янги вақциналар билан бойитилмоқда. Ҳомилдор аёлларни поливитаминлар билан бепул таъминлаш амалиёти дунёнинг бошқа мамлакатларида учрамайдиган ноёб лойиҳадир.

Тиббиёт муассасаларини модернизациялаш, жаҳон илм-фани ва тиббиёт янгилликлари амалиётга кенг татбиқ этиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга оширишда соғлиқни сақлаш тузилмалари билан бир қаторда кўпбаъ давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам фаол иш олиб бораётди.

Мамлакатимизда тиббий хизмат билан бир қаторда оммавий спортни ривожлантириш, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун қўлай ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, барча соҳаларда меҳнат шартларини замонавийлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, экологик муҳитни барқарорлаштириш, қишлоқ жойларда шаҳардан кам бўлмаган шароит яратиш, барча қўламлиқларга эга намунавий уйлар барпо этиш, хонадонларда санитария-гигиена шартларини яхшилаш билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Инсоннинг соғ-саломат, узоқ умр кечиришида рационал овқатланиш муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сўт ва сут маҳсулотлари 1,6 қарра, қартошка 1,7 баробар, сабзавотлар 2 мартадан зиёд, мева-мевалар истеъмоли қарийб 4 баробар ошди. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан ўн баробар кўпдир.

Истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби ва рақсонлиги яхшилаш бошқа омиллар билан бирга аҳоли, айниқса, болалар саломатлигини тубдан яхшилашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, сўнгги 10 йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъдордан кам бўлган болалар сонини икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди, хотин-қизларда камқонлиқ даражаси 2,5 марта пасайди.

"Кесаларни эъзолаш йили" Давлат дастури доирасида бундай эзгу ишлар янада юқори босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизда маъзур дастурда белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан нурунийларимизнинг саломатлигини яхшилаш, уларга қўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдами самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Вазирлик матбуот хизматидан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг тўққиз ойида қарийб етмиш бир минг йилкинча жонини уруш қатнашчиси ва фронт оти меҳнат фахрийлари чўқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди. Улар амбулатор стационга ва уй шароитида соғломлаштирилди, 6344 уруш фахрийсига санаторияларга тасвиз берилди.

Юртимизда кесалар авлод вақилларини тиббий-ижтимоий муҳофазалаш ишлари тизимли асосда йўлга қўйилган, нурунийларга алоҳида ҳурмат, эътиром кўрсатиш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёш авлод камолоти йўлида оқилона фойдаланиш, фахрийларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга қаратилаётган доимий эътибор туфайли узоқ умр кўрувчи инсонлар тобора кўпаймоқда.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртачадан 75 ёшга етди. Бугунги кунда мамлакатимизда юз ёшдан ошган 8700 табарруқ ота-хон ва онахон истиқомат қилмоқда.

– Инсон қачон узоқ умр кечиради? Қачонки, тинчлик-осойишталик, хотиржамлик, меҳр-оқибат бўлса, фарзандлари саломат бўлса, – дейди ЎЗА мухбири Бухоро вилояти Қорақўл тумани Манзилбод қишлоғида яшовчи Хумор моми Бердиева. – Минг шўқри, ана шундай жаннат монанд юртда яшамокдамиз. Президентимиз ташаббуси билан саломатлигимизни мустаҳкамлашга қаратилган хайри ишлар йилдан йилга кенгаймоқда. Жумладан, қишлоғимизда замонавий ҚВП барпо этилиб, янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу тиббиёт муассасасида виллоят маркази ва пойтахтимиздан келган олимлар иштирокида чўқурлаштирилган тиббий қўриқлар ўтказиш аънаънага айланди. Бундай имконият кесалар учун катта қўламлиқ яратмоқда.

Тиббиётимиз эришяётган муҳим натижалар инсон саломатлигини асраш, замонавий тиббий ёрдамдан аҳолининг баҳрамандлиқ даражасини ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалашда муҳим омил бўлаётди. Шу мақсадда соҳага йўналиштирилган инвестициялар ҳақми йилдан йилга кўпаймоқда. Масалан, 2010 йилда ушбу мақсадларга 79,1 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич олти баробар кўпайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимлар соғлигини муҳофиза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида бундай тиббий-ижтимоий ислохотлар қўламли янада кенгайяётди. Дастур доирасида соҳада қонунчилик асосларини такомиллаштириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, илм-фан ютуқларини юксалтириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ютуқларга эришишда энг яхши инсоний фазилатларни намоён этиб, инсонпарварлик мақсадларига хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатаётган шифокор ва ҳамшираларимизнинг хизмати беқим. Элга шифо бағишлашнинг олми мақсад деб билиб, шу йилда бор қуч-салоҳиятини аямал меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг шарафли меҳнатини эъзозлаш, уларнинг жамиятимиздаги мавқеини юксалтириш доимий эътиборда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси мамлакатимизда шифокорларнинг касб байрами сифатида кенг нишонланаётгани бундай эътиборнинг яққол исботидир.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларида етмиш мингдан ортиқ врач, уч юз ўн мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходими эл саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Уларнинг билим ва малакасини ошириш, фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат шартларини яратиш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Аънаънага кўра, бу йил ҳам тиббиёт ходимларининг касб байрамини муносиб нишонлашга қизгин тарафдўр қўйилаётди. Ушбу тадбир саломатлик посбонларига эътиром ва эъзони ифодаловчи, шу билан бирга, ҳар бир инсонга ато этилган бебаҳо неъмат – тансиқатликини асрашга қаровчи ўзига хос саломатлик байрамидир.

Баҳор ХИДИРОВА

ҲАФТАЛИК

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми,
боши ўтган сонда)

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қушлар ҳаёти". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Қалдиригочлар яна қайтади".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Ер сайёраси". Х/ф.
9.30 "Матонат". Т/с.
10.15 "Муносабат".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Япон боғи".
13.10 "Ўйбунрак". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.15 "2015 йил - Кексаларни эъзозлаш йили". "Эъзоз".
14.35 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
15.15 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Қўрғонларимиз ҳақида".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Навоий олами".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қуларнинг бирида".
17.25 "Сўхбатдош".
17.40 "Бўрилар замини".
18.20 "Бизнесс-старт".
18.45 Миллий сериал: "Опасингиллар".
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монок". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бухаммудим". Ток-шоу.
22.20 - 23.55 "Алмашинува". Б/ф.
23.55 Миллий сериал: "Опасингиллар".
00.35 "Бизнесс-старт".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Нобел нусха". Спектакль.
3.50 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қалдиригочлар яна қайтади".
5.10 - 5.55 "Бухаммудим". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Навоий набиралари".
6.30 "Филлар менинг дўстларим". Б/ф. 2-қисм.
7.50 "Ёшлик навоилари".
8.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
8.50 "Давр мавзуси".
9.10 "Меҳмонжонлардан айланай". Т/с.
9.50 "Келажак пойдевори".
10.00 "Давр".
10.10 "Хотира раиши". Б/ф.
11.20 "Шарқ гавҳари".
12.00 "Даҳлар". Т/с.
12.50 "Огоҳ бўлинг!".

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Қушлар ҳаёти". Х/ф.
7.30 Миллий сериал: "Қалдиригочлар яна қайтади".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Ер сайёраси". Х/ф.
9.30 "Матонат". Т/с.
10.15 "Сўхбатдош".
10.30 "Наўпир". 2-қисм.
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Опасингиллар".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўстурлоб".
13.20 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Менинг боғим".
14.35 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
15.15 "Агрополам".
15.35 "Куз сонатаси". Б/ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Буюк ғоя сари". Х/ф.
18.05 "Менинг ҳуқуқим".
18.15 Миллий сериал: "Опасингиллар".
18.55 "Зиё" студияси: "Этикод мустаҳкамлиги йўлида".
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Монок". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 - 23.55 "Муносабат".
23.55 Миллий сериал: "Опасингиллар".
00.35 "Иқлим".
00.40 "Агрополам".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Алишер Навоий". Б/ф.
4.00 "Ахборот".
4.35 Миллий сериал: "Қалдиригочлар яна қайтади".
5.05 - 5.55 "Буюк ғоя сари". Х/ф.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Қизлар мактаби".
6.30 "Ўн бўлади, ҳўжайин". Б/ф. 1-қисм.
7.50 "Ёшлик навоилари".
8.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
8.50 "Қорақалпоқ ёшлари".
9.10 "Меҳмонжонлардан айланай". Т/с.
9.50 "Конституция дарси".
10.00 "Давр".
10.10 "Ўзбек". Б/ф.
11.20 "Шарқ гавҳари".
12.00 "Даҳлар". Т/с.
12.50 "Кексалар бойлигимиз".
13.00 "Давр".
13.10 "Фан ва ёшлар".
13.30 "Барон Мюнхгаузеннинг саргузаштлари". Б/ф.
15.40 "Суз остига сайхат".
16.00 "Давр".
16.10 "Қўрқмас". Т/с.

13.00 "Давр".
13.10 "Фан ва ёшлар".
13.30 "Николаас Никлиби". Б/ф.
15.50 "Конституция дарси".
16.00 "Давр".
16.10 "Қўрқмас". Т/с.
17.00 "Суз ёшларга".
17.30 "Муъжизавий дунё".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "Ўзингни асра".
19.00 "Давр".
19.30 "Скарлетт". Т/с.
20.20 "Амир Темур". 2-қисм.
21.00 "Ёшлик навоилари".
21.10 "Қўрқмас". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Таинноз хоним". Б/ф.
00.20 "Куз чизгилари".
00.30 "Муъжизавий дунё".
1.20 "Шарқ гавҳари".
2.20 "Дугоналар".
3.00 "13-студия".
4.30 "Қўрқмас". Ток-шоу.
5.30 - 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Ройтакт".

ПАЙШАНБА, 12

6.20 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.50 "Ройтакт-спорт".
10.20 "Касл". Т/с. (Премьера).
11.15 "Халис назар".
11.45 "Ройтакт-Hi-tech".
12.10 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
12.45 "Монолик камера".
13.15 "Очиқ мулоқот".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Қалбимда қиш". Т/с.
15.50 "Ройтакт-спорт".
16.15 Миллий кино: "Кичкина табио".
18.15 "Ишга марҳамат!".
18.20 "Профессионал".
18.45 "Ройтакт-интервью".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с. (Премьера).
20.20 "Қалбимда қиш". Т/с. (Премьера).
21.00 "Сайёр камера".
21.30 "Пойтахт-эко".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Моя старушка". Х/ф.
00.05 "Монолик камера".
00.15 "Очиқ мулоқот".
1.00 "Пойтахт-эко".
1.10 "Касл". Т/с.
2.10 "Алоқа". Б/ф.
3.45 "Монолик камера".
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қувноқ стартлар".
6.45 "Аср жанги". Хўжжати фильм.
7.00 "Sport-online".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Ўнжон-рум кураши. Ўзбекистон Кубоги.
9.15 "Евротайм".
9.45 АНОНС.
9.50 "Халқ ўйинлари".
10.00 Баскетбол.
11.20 АНОНС.
11.25 "Евротайм".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 АНОНС.
13.05 Профессионал бокс.
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Фигуралли учаш. Гран-при турнири.
15.20 АНОНС.
15.25 Теннис. АТР/ВТА турнири.
16.45 "Спорт сайёраси".

Первый канал

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.00 Новости.
07.05 "Наедине со всеми".
08.00 Новости.
08.05 Контрольная закупка.
08.35 "Жить здорово!".
09.30 Модный приговор.
10.30 Фазенда.
11.00 Новости.
11.20 Т/с "Великая".
13.05 Смак.
13.40 "Время покажет".
14.00 Новости.
14.15 "Время покажет". Продолжение.
15.15 "Мужское/Женское".
16.10 "Наедине со всеми". Программа Юлии Меньшиковой.
17.00 Вечерние новости.
18.00 "Давай поженимся!".
19.00 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Х/ф "Великая".
22.15 "Вечерний Ургант".
22.50 "Ночные новости".
23.05 На ночь глядя.
00.00 Х/ф "Победа!".
01.45 Т/с "Вегас".
02.00 Новости.
02.05 Т/с "Вегас".
02.35 "Мужское/Женское".

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с "Таинные следствия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Земский доктор".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши".
21.00 Т/с "Людмила Гурченко".
23.00 "Поединки".
00.40 "Бастини России. Смоленск".
00.45 "Бастини России. Дербент".
02.45 Т/с "Сын за отца".
03.45 "Измеритель ума. I".
04.40 "Комната смеха".

НТВ

05.00 Т/с "Адвокат".
06.00 Сегодня.
06.05 Т/с "Адвокат".
07.00 "НТВ утроем".
08.10 Утро с Юлией Высоцкой.
09.00 Т/с Возвращение Мухоморова.
10.00 Сегодня.
10.05 Т/с "Лесник".
10.20 Суд присяжных.
11.00 Сегодня.
12.20 ЧП. Обзор.
14.00 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
16.00 Сегодня.
16.05 Т/с "Адвокат".
17.00 "НТВ утроем".
18.00 Ток-шоу "Говорим и показываем".
19.00 Сегодня.
19.40 Т/с "Высокие ставки".
21.30 Т/с "Чума".
23.30 "Анатомия дня".
23.40 Т/с "Шаман".
02.00 "Дачный ответ".
03.05 Т/с "Под прицелом".

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Витус". Б/ф. 1-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.35 "Шартаки Жо". Б/ф.
10.15 "2015 йил - Кексаларни эъзозлаш йили". "Эъзоз".
10.35 "Бизнесс-старт".
11.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
11.45 "Қуларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Иқлим".
13.05 "Бундан яхшиши йўқ". Б/ф.
15.10 "Қишлоқ ҳаёти".
15.30 "Заковат".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Иқлимнинг".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Севги ўғитлари". Б/ф. Премьера.
18.35 "Ўйбунрак". Ток-шоу.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Ўйингизни англа". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Қўрғонларнинг бирида".
22.00 - 00.45 Хинд киноси: "Тангри яратган жуфтлик".
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Маргибна". Б/ф. 1-қисм.
3.40 "Қандақорлар".
4.00 "Ахборот".
4.35 "Қўрғонларнинг бирида".
4.55 "Қуларнинг бирида".
5.10 - 5.55 "Ўйингизни англа". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Навоий хазинаси".
6.30 "Ўн бўлади, ҳўжайин". Б/ф. 2-қисм.
7.50 "Ёшлик навоилари".
8.10 "Уша Карлсон". Б/ф.
9.30 "Қизлар мактаби".
9.50 "Кексалар бойлигимиз".
10.00 "Давр".
10.10 "Бозор кўрмаган йигит". Б/ф.
11.30 "Шарқ гавҳари".
12.00 "Даҳлар". Т/с.
12.50 "Келажак пойдевори".
13.00 "Давр".
13.10 "Соғлом ҳаёт".
13.30 "Афсунгарнинг шогирди". Б/ф.
15.20 "Иқмон-шоу".
16.10 "Қўрқмас". Т/с.
17.00 "Эъзоз ва эҳтиром".
17.30 "Муъжизавий дунё".
18.00 "Қўрғонларнинг бирида". Т/с.
18.50 "Конституция дарси".
19.00 "Давр".
19.30 "Скарлетт". Т/с.
20.20 "Қалпоқ". Хажвия.
20.50 "Телетухфа".
21.00 "Ёшлик навоилари".
21.10 "Қўрқмас". Т/с.

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Витус". Б/ф. 2-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Ўйимиз хайвонот боғи". Б/ф.
10.45 "Иқлим".
11.00 "Ўйингизни англа". Ток-шоу.
11.45 "Қуларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Муносабат".
15.15 "Иқлим".
15.20 "Пингвин Амундсен". Б/ф.
16.50 "Бухаммудим". Ток-шоу.
17.30 "Севги ўғитлари-2". Б/ф.
19.00 "Қўрғонларнинг бирида".
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 "Тахилнома" /рус/.
20.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
21.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
22.40 - 00.20 "Тубсиз уммон қабрида". Б/ф. Премьера.
00.20 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
1.00 "Тахилнома" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Маргибна". Б/ф. 2-қисм.
3.40 "Шарқ тароналари".
4.00 "Тахилнома".
4.40 "Билимдон". Интеллектуал танлов.

Россия

05.00, 09.15 "Утро России".
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Таинные следствия".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Земский доктор".
18.15 "Прямой эфир".
21.00 "70 лет уже не в обед".
23.45 "Еще не раз вы вспомните меня".
01.00 Х/ф "Невеста моего жениха".
03.05 "Горячая десятка".
04.10 "Комната смеха".

НТВ

05.00 Т/с "Адвокат".
06.00 Сегодня.
06.05 Т/с "Адвокат".
07.00 "НТВ утроем".
08.10 Утро с Юлией Высоцкой.
09.00 Т/с Возвращение Мухоморова.
10.00 Сегодня.
10.20 Т/с "Лесник".
12.00 Суд присяжных.
13.00 Сегодня.
13.20 ЧП. Обзор.
14.00 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
16.00 Сегодня.
16.20 Т/с "Литературный".
18.00 Ток-шоу "Говорим и показываем".
19.00 Сегодня.
19.40 "Большинство".
20.35 Х/ф "Раскаленный периметр".
00.25 Х/ф "Обитель".
02.20 Дикий мир.
02.40 Т/с "Под прицелом".

22.00 "Давр".
22.30 "Эверест". Б/ф. Премьера.
00.30 "Меҳр ва меҳнат".
01.30 "Амир Темур".
2.50 "Суз остига сайхат".
3.10 "Қорақалпоқ ёшлари".
3.30 "Ахборот".
3.50 "Фан ва ёшлар".
5.30 - 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00. "Ройтакт".
6.10 "Гигантские мосты". Д/ф.
7.00 "Тошкент вақти".
9.00 "Ройтакт-репортаж".
9.10 "Муҳаббат тантанаси". Т/с.
9.45 "Ройтакт-madaniyat".
10.20 "Касл". Т/с.
11.00 "Пойтахт йўлларида".
11.20 "Монолик камера".
11.30 "Сифат назорати".
12.10 Миллий кино: "Алданган аёл".
13.45 "Пойтахт-Hi-tech".

ШАНБА, 14

14.10 "Тошкент вақти".
15.00 "Ройтакт-эко".
15.10 "Қалбимда қиш". Т/с.
15.50 "Пойтахт-репортаж".
16.10 Миллий кино: "Мактуб".
17.35 "Кинотақдим".
18.15 "Ишга марҳамат!".
18.20 "Қўрғонларнинг бирида".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Муҳаббат тантанаси". Т/с. (Премьера).
20.20 "Қалбимда қиш". Т/с. (Премьера).
21.00 "Ойнинг олдидан".
21.30 "Ўзгача услуб".
21.50 "Телемаркет".
22.20 "Тошкент вақти".
23.20 "Лучшее во мне". Х/ф. (Премьера).
1.00 "Пойтахт-эко".
1.10 "Хикматли дунё". "Сўнги пушаймон".
1.30 "Монолик камера".
1.40 "Касл". Т/с.
2.15 "Пойтахт-эко".
2.25 "Бетховен асарларини кўчириб". Б/ф.
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Ифтихоримсан, спорт!".
6.25 АНОНС.
6.30 Волейбол.
7.40 "Аср жанги". Хўжжати фильм.

7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Интерфутбол.
10.00 Баскетбол.
11.00 "Ишонга олдим".
11.25 Фигуралли учаш. Гран-при турнири.
12.25 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.30 Волейбол.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.10 АНОНС.
14.15 "Ring".
14.45 Футбол. ЕВРО-2016.
16.30 "Мурабий".
16.50 АНОНС.
16.55 Теннис. АТР/ВТА турнири.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Спорт сайёраси".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 Фигуралли учаш. Гран-при турнири.
20.25 АНОНС.
20.30 "Спорт-маркет".
20.35 "Халқ ўйинлари".
20.45 "Шоҳсуғла йўли".

Россия

05.10 Х/ф "Расследование".
06.35 "Сельское утро".
07.05 "Диалог о животных".
08.00, 11.00, 14.00 Вести.
08.10, 11.10, 14.20 Местное время. Вести-Москва.
08.20 "Правила движения".
10.15 "Этот мой мама".
11.20 "Двое жени".
12.20, 14.30 Х/ф "Один единственный и навсегда".
16.45 "Знание - сила".
17.35 "Главная сцена".
20.00 Вести в субботу.
21.00 Х/ф "Мезальянс".
00.55 Х/ф "Родной человек".
03.00 Х/ф "Верись, не верись".
04.35 "Комната смеха".

НТВ

04.35 Т/с "Адвокат".
05.30 Т/с "Петрович".
07.25 Смотр.
08.00 Сегодня.
08.15 "Жилищная лотерея плюс".
08.45 "Медицинские тайны".
09.20 "Готовим с Алексеем Зиминским".
10.00 Сегодня.
10.20 Главная дорога.
11.00 Кулинарный поединок.
11.55 Квартирный вопрос.
13.00 Сегодня.
13.20 "Я худею!".
14.20 Своя игра.
15.05 "Вода". "Еда живая и мертвая".
16.00 Т/с "Литературный".
18.00 "Следствие вели...".
19.00 "Центральное телевидение".
20.00 "Новые русские сенсации".
21.00 Ты не поверишь!
22.00 "50 оттенков. Белова".
23.00 "Время Г" с Вадимом Галыгиным.
23.35 Х/ф "Одним меньше".
01.50 "Собственная гордость".
02.45 Дикий мир.
03.05 Т/с "Под прицелом".

Первый канал

05.00 Новости.
05.20 Гении и злодеи.
05.45 Х/ф "Петровка, 38".
07.15 "Играй, гармонь любимая!". Б/ф.
07.55 Умницы и умники.
08.45 "Слово пастыря".
09.00 Новости.
09.10 Смак.
09.45 К юбилею актрисы. Людмила Гурченко. В блеске одиночества".
10.45 "Смешарики. Новые приключения".
11.00 Новости.

ЯКШАНБА, 15

19.15 "Хикматли дунё". "Омонат". Теленовелла.
20.00 "Тошкент вақти".
21.00 "Рагилли телевизор".
21.40 "Телемаркет".
21.55 "Кинотақдим".
22.20 "Министия невольники: племя изгоев". Х/ф. (Премьера).
00.45 - 1.00 "Эртани эгалари".
Кадри: телетомошабила! Аналог русумидаги телеузагичларда режага мувофиқ пропалектика ишлари олиб борилиши муносабати билан 2015 йил 15 ноябрь кунин соат 01.00 дан 06.00 гача "TOSHKENT" телеканали дастурларини фақат рақамли телевидение тармоқлари орқали узлуқсиз томоша қилишингиз мумкин.
1.00 "Хикматли дунё". "Мафтуна". Теленовелла.
1.45 "Қўрғонларнинг бирида".
2.15 Миллий кино: "Алданган аёл".
3.45 "Пойтахт-Hi-tech".
3.55 - 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Волейбол.

7.40 АНОНС.
7.45 "Аср жанги". Хўжжати фильм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Футбол. ЕВРО - 2016.
9.55 "Шоҳсуғла йўли".
10.35 АНОНС.
10.40 "Шикхат".
11.00 Баскетбол.
12.20 "Қувноқ стартлар".
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Қорақалпоқ спорти".
13.15 Фигуралли учаш. Гран-при турнири.
14.45 От спорти. Халқаро турнир.
15.35 "Face-sport".
16.25 АНОНС.
16.30 "Спорт сайёраси".
16.40 Теннис. АТР/ВТА турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Ўззулар кемаси".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 АНОНС.

Первый канал

05.00 Новости.
05.10 Народная медицина.
05.20 Простуда.
06.00 Х/ф "Огарева, 6".
07.30 "Служу Отчизне!".
07.55 "Здоровье".
09.00 Новости.
09.10 "Непутевые заметки".
09.25 "Пока все дома".
10.15 Фазенда.
10.45 "Смешарики. ПИН-код".
11.00 Новости.

11.10 К юбилею актрисы. Людмила Гурченко. Дочки-матери".
12.05 Праздничный концерт.
14.35 "Вся моя жизнь - сплошная ошибка".
15.35 "Время покажет". Темы недели.
17.05 "Точка-в-точка".
17.00 Воскресное "Время". Информационно-аналитическая программа.
22.00 Психологический триллер "Метод". Сеанс четвертый.
23.50 Х/ф "Восход Меркурия".
01.45 Х/ф "Приключения хитроумного брата Шерлока Холмса".

Россия

05.30 Х/ф "Самый последний день".
07.30 "Сам себе режиссер".
08.20, 03.40 "Смехопанорама Евгения Петросяна".
08.50 "Утренняя почта".
09.30 "Стокгольм". Телеигра.
10.20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.<